КУТУБХОНАСИ


НАВРЎЗ — ЭЗГУЛИК ВА ОБОДОНЧИЛИК БАЙРАМИ 3-бет

ШАҲРИМИЗ ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА 4-5-бетлар

МУРУВВАТ — ИНСОН ЗИЙНАТИ 6-бет

САРАЛАШ УЧРАШУВИ ОЛДИДАН 8-бет





ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 56 (10.109) / 2004 ЙИЛ 24 МАРТ


## СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 23 март куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.***

«Дўрмон» қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев шоҳсупага кўтарилдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради.

Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Икки мамлакат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бошланди. Дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболи, томонларни қизиқтирган қатор халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Президентлар муҳокама этилган масалалар юзасидан томонларнинг нуқтаи назари ўхшаш ва яқин эканлигини қайд этдилар.

Ислом Каримов халқларимизнинг азалий дўстлиги, урф-одатлари, маданияти яқинлиги, тили ва дини бирлиги ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун катта имконият эканлигини таъкидлади. Илҳом Алиевнинг ташрифини Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатлари тарихидаги муҳим воқеа, деб атади.

Илҳом Алиев ўзаро муносабатларни ривожлартиришда Ислом Каримовнинг хизматлари катта эканлигини таъкидлади. Шўро салтанати пароканда бўлганидан кейин икки томонлама ҳамкорлик алоқалари фақат Ўзбекистон ва Озарбойжон раҳбарларининг узоқни кўра билиши, бамаслаҳат иш юритиши туфайли сақланиб қолди ва ривожланиш йўлидан борди, деди Илҳом Алиев.

Ислом Каримов Ўзбекистон Озарбойжонни Жанубий Кавказдаги асосий шериги деб билишини таъкидлади. Бу икки минтақада кўплаб давлатларнинг манфаатлари туташаётгани ҳам Ўзбекистон ва Озарбойжонни бир-бирига яқинлаштиради.

Президентлар хавфсизлик муаммоларига, жумладан, халқаро террорчилик ва наркотик моддалар контрабандасига қарши кураш масалаларига эътибор қаратди. Ҳозирги шароит бу борада мувофиқлаштирилган тартибда баҳамжиҳат иш кўришни тақозо этиши таъкидланди, мазкур муаммолар юзасидан маслаҳатлашувларни ва амалий ҳамкорликни изчил давом эттиришга келишиб олинди.

Дарҳақиқат, террорчилик каби иллатларга муносабат билдиришда иккиланишлар, чалғишларга йўл қўйиб бўлмайди. Мамлакатлар, қайси кўринишда бўлишидан қатъи назар, бундай иллатларга қарши қатъий курашиши керак.

Кенгайтирилган таркибдаги музокарада Ўзбекистон-Озарбойжон ҳамкорлигига доир қатор масалалар муҳокама қилинди. Иқтисодий ҳамкорлик кўрсаткичлари имконият даражасида эмаслиги таъкидланди. Лекин томонлар бу хусусда келажакка ишонч билан қарамоқда. Охирги вақтларда савдо-иқтисодий алоқаларимиз фаоллашмоқда. Жорий йилнинг дастлабки икки ойида у бутун 2003 йилдаги кўрсаткичдан икки баробар кўпайди. Президентлар шундай суръат сақланиб қолиши учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этди.

Ислом Каримов Икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Озарбойжон ҳукуматлараро қўшма комиссияси самарали фаолият юритаётганини таъкидлар экан, шу ой ўрталарида унинг мажлиси бўлиб ўтганига қарамай, яна бир йиғилиш ташкил этиш зарурлигини айтди. Комиссия Президентлар учрашуви якунларидан келиб чиққан ҳолда, ишга солинмаётган ва янги имкониятларни топиши, ҳамкорлик кўламини кенгайтиришнинг муайян йўлларини белгилаши керак.

Давоми 2-бетда.

***Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги маданий ҳамкорлик мустақиллик даврида янада кенгаймоқда, тараққий этмоқда. Пойтахтимизнинг энг сўлим масканларидан бири - Бобур боғи ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетини туташтириб турган майдонда Низомий Ганжавий ҳайкалининг қад кўтариши ана шу яқинликнинг яна бир гўзал белгисидир.***

## ТОШКЕНТДА НИЗОМИЙ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ



23 март куни Президентлар Ислом Каримов ва Илҳом Алиев мазкур ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради.

- Мен шу маросимда қатнашаётган азиз меҳмонларимизни, аввало, Озарбойжон Президенти Илҳом Алиевни, ҳурматли адабиёт ва санъат вакилларини, Низомий ижодининг барча мухлисларини чин қалбимдан қутлашдан бахтиёрман, - деди давлатимиз раҳбари.

Давоми 2-бетда.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Кеча Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳининг биринчи мажлиси ўтказилди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академиясида Ўзбекистондаги Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Ўзбекистон Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ ва бюджет сиёсати маркази ҳамда Солиқ академияси ҳамкорлигида «Япония солиқ тизими ва солиқ маъмурияти» мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.**

**• Наврўз айёми кунларида Фарғона вилоят марказида икки муҳташам бино — болалар спорт коллежи ва 4 минг томошабинга мўлжалланган «Ёшлар, маданият ва спорт» мажмуаси фойдаланишга топширилди.**

**• Наманганда ташкил этилган Медиа маркази ҳам Наврўз байрами арафасида ўз фаолиятини бошлади.**

**• Наманган вилоятининг Поп туманида пахта ипи ва трикотаж мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган, лойиҳа қиммати 10 миллион евролик «Исковуттекс» янги қўшма корхонаси ишга тушди.**

**• Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Миллий ҳунармандлар ва бўш иш ўринлар ярмаркаси» давомида 44 нафар фуқаро ишга йўлланма олди, 8 нафари эса касбга ўқитиш учун жўнатилди.**

**• Жиззахдаги «Наврўзбулоқ» трассасида мотопойга бўйича республика биринчилиги мусобақаси ўтказилди.**

### Жаҳонда

**• БМТнинг Халқаро полицияси ўтган ҳафта Косовода бўлиб ўтган тартибсизликларни ўрганиш ишларини бошлади.**

**• Украина Президенти Леонид Кучма Азов денгизи ва Керчь бўғозидан ҳамкорликда фойдаланиш тўғрисидаги Украина ва Россия ўртасида эришилган ўзаро битимни радификация қилиш учун мамлакат парламентига юборди.**

**• «Ассошиэйтед Пресс» ахборот агентлигининг хабарига кўра Германия социал-демократик партияси етакчиси Герхард Шрёдер ўз лавозимини тарк этди. Илгари социал-демократлар партиясининг парламентдаги фракциясига раҳбарлик қилган Франц Муэнтеферинг Шредернинг вориси бўлди.**

**• Буюк Британия ҳукумати хавфсизлик чораларини таъминлаш мақсадида Жазоирдаги элчихонасининг ёпилишини маълум қилди.**

**• Австралияда мамлакат тарихида энг йирик терроризмга қарши кураш бўйича ҳарбий ўқув амалиёти бошланди. Унда барча саккизта штатдан маҳаллий полиция, ҳарбийлар ва махсус хизмат вакиллари иштирок этмоқда.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

• **БУГУНДАН** Чилонзор туманидаги 1-Тошкент педагогика касб-ҳунар коллежида «Сайловлар жараёнида хотин-қизлар фаоллигини ошириш» мавзуида икки кунлик семинар бошланди. Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Фридрих Эберт жамғармаси, «Элнажот» нодавлат-нотижорат хотин-қизлар ташкилоти ҳамкорликларида ўтказилмоқда.

• **«КАМОЛОТ»** ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан **БУГУН** «Туркистон» саройида 31-меҳрибонлик уйига «Замон — инвест» компанияси томонидан музлатгичлар топширилди.

• **ЭРТАГА** Акмал Икромов туман ҳокимлигида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси туман бўлимлари ташаббуси билан Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган «Сумалак — 2004» тадбири уюштирилади.

• **БУГУН** Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида «Сен Оила кодексини биласанми?» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

• **АКМАЛ** Икромов туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими томонидан 100-интернат тарбияланувчилари ҳамда тумандаги кам таъминланган оилалар фарзандлари учун хайрия тадбири уюштирилди, болажонларга совғалар улашилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

# СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу комиссия зиммасига ишбилармон доиралар, корхоналар, молия муассасаларининг бевосита алоқаларини рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифасини топширишни таклиф этди. У икки мамлакатдаги товарлар ва хизматларни қайта кўриб чиқиши, самарали лойиҳалар бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаши керак.

Масалан, Озарбойжонни Ўзбекистоннинг самолётсозлик ва автомобилсозлик саноати қизиқтиради. Озарбойжон Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган Ил-76 русумли икки самолётни лизинг асосида харид қилди. Мавжуд самолётларини мамлакатимизда таъмирлаш истаги бор.

Ўзбекистон нефть-газ ва металлургия саноати соҳасида Озарбойжон билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Умуман, қўшма корхона тузиш икки томонга ҳам фойда берадиган соҳалар кўп.

Ислом Каримов Бокуда трактор, Тошкентда эса кондиционер йиғувчи корхоналар очиш имконияти мавжудлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Озарбойжон пахтачилик ҳамда ипакчилик борасида катта тажрибага эга. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бу икки тармоқ ўзининг мутлақ янги тараққиёт босқичига кирди. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, янгидан уйғонди. Икки мамлакат ўртасида шу соҳаларда ҳам самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш мумкин.

Транспорт коммуникациялари ўзаро муносабатларда муҳим ўрин тутувчи тармоқ ҳисобланади. Мамлакатларимиз ТРАСЕКА лойиҳасининг фаол қатнашчиларидир. Лекин икки томонлама алоқаларда бу соҳада ҳам тартибга солиниши керак бўлган жиҳатлар бор. Ислом Каримовнинг таъкидлашича, Каспий денгизи ва Озарбойжон орқали Грузиянинг Поти бандаргоҳига олиб бориладиган юк харажати Болтиқбўйига ташиладиган юк йўлкирасидан 20 фоиз кўп.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Афғонистондаги тикланиш ишларида фаол иштирок этаётганини таъкидлаб, Озарбойжон томонини бу ишга даъват қилди. Айниқса, йўлсозлик ҳар бир мамлакат учун устувор. Ўзбекистон ташаббускори бўлган Трансафғон йўлаги нафақат улкан иқтисодий, балки муҳим стратегик аҳамиятга эга.

Қолаверса, Ўзбекистон таклифи билан, Афғонистон ва Эрон ТРАСЕКА лойиҳасига қўшилиш ниятини билдирган. Демак, Буюк Ипак йўли бўйлаб давлатлараро миқёсда товарлар ва хизмат оқимини йўлга қўйишнинг имкониятлари янада кенгаймоқда.

Илҳом Алиев Ўзбекистон раҳбарининг фикр ва мулоҳазаларини қўллаб-қувватлашини билдирди. Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш имкониятлари кўплигини таъкидлади. Яқинда пахтачилик бўйича бир гуруҳ ўзбекистонлик мутахассислар Озарбойжонга борганини қайд этди.

Озарбойжон раҳбари Ўзбекистонга давлат ташрифи билан келишга таклиф этгани учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Бу ташрифга муҳим аҳамият беришини таъкидлар экан, суҳбатлар давомида Ўзбекистон билан ҳамкорлик истиқболига ишончи янада мустаҳкамланганини маълум қилди.

Музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон Республикаси билан Озарбойжон Республикаси ўртасида стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларацияга имзо чекдилар. Шунингдек, икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида илмий техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим, 1996 йил 27 майда имзоланган эркин савдо тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида протокол, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида консуллик конвенцияси ва ташқи ишлар вазирликларининг ҳамкорлиги тўғрисида протокол, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан Боку ижро ҳокимияти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим, «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти билан «Озарбойжон ҳаво йўллари» давлат концерни ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан кейин Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Ўзбекистон ва Озарбойжон раҳбарлари ўзаро суҳбат очиқ, дўстона руҳда ўтгани, музокараларда ҳамкорликни ривожлантиришга доир барча масалалар муҳокама этилгани, томонлар мулоқотлардан қониқиш ҳосил қилганини таъкидладилар. Ташриф натижалари икки томонлама муносабатларни янги суръат билан ривожлантиришга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Президентларнинг фикрича, энг муҳими, Ўзбекистон ва Озарбойжонда ҳамкорликни янги поғонага кўтариш, уни ҳар томонлама кенгайтириш истагининг мавжудлигидир. Муайян масалалар бўйича эса олий даражада фикр алмашиб олинди. Бу мулоқотлар, имзоланган ҳужжатлар тез орада ўз самарасини бериши шубҳасиздир.

Шу куни олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Президенти ҳамроҳлигида «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятига ташриф буюриб, корхона фаолияти билан танишди.

Илҳом Алиев Озарбойжон Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси янги биносининг очилиш маросимида ҳам иштирок этди. Хотира майдонидаги «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Озарбойжон Республикаси Президентининг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

**А.БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ТОШКЕНТДА НИЗОМИЙ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Бутун башарият бадиий оламининг забардаст вакили бўлмиш Низомий Ганжавий - ўзининг ўлмас ва бетакрор ижодини инсон маънавиятини куйлашга, эзгулик ва фидойилик, вафо ва садоқат, адолат ва жасорат каби олижаноб туйғуларни тараннум этишга бағишлаган бу улуғ зот жаҳондаги энг буюк шоирлар қаторида туради, десак, асло хато бўлмайди. Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонда Низомийнинг мўътабар номини, унинг авлодларга қолдирган бой ва ажойиб меросини билмайдиган бирорта ўзбек йўқ, десак, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади.

Ислом Каримов буюк бобомиз, ўзбек шеъриятининг султони Алишер Навоий Низомий даҳосига катта ҳурмат ва эҳтиром билан қарагани, ўз ижодида бу улуғ шоир куйлаган, орзу қилган фалсафий, ижтимоий-ахлоқий ғояларни, инсон зотини шарафлайдиган қадриятларни давом эттиргани тарихдан яхши маълум эканлигини таъкидлади.

— Тарихимиз саҳифалари ўзбек ва озарбойжон халқларининг илдизлари муштарак, тили, дини ва урф-одатлари нақадар яқин бўлганидан ҳам далолат беради. Ҳозирги авлод, икки мамлакат жамоатчилиги бу маданий ришталарни умумий бойлигимиз сифатида қадрлайди ва бу бойликни асраб-авайлаб, янада мустаҳкамлашга интилади. Бунинг тасдиғини бугунги ҳаётимизнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий соҳаларидаги кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин, - деб таъкидлади Ислом Каримов.

Ўзбекистон раҳбари буюк Низомий Ганжавийнинг ушбу муҳташам ҳайкали Тошкент Давлат педагогика университети олдидаги кўркам майдонда қад ростлагани бежиз эмаслигини таъкидлади.

— Юртимиздаги мўътабар илм масканларидан бири бўлган ушбу университет олтмиш йилдан буён Низомийнинг табаррук номи билан аталиб, унинг хотирасини улуғлаб келмоқда. Ажойиб санъат асари бўлмиш бу муаззам ҳайкал замон ва макон чегараларини билмайдиган Низомий даҳосига маърифатпарвар халқимизнинг чуқур эҳтиром белгисидир, - деди Ислом Каримов.

Айни пайтда мен бу ёдгорликни қардош озарбойжон халқига, унинг кўҳна тарихи ва маданиятига, асрлар синовидан ўтиб келаётган сўнмас руҳи, ирода ва матонатига, унинг ёруғ келажагига бўлган ҳурмат ва ишончимизнинг рамзи сифатида қабул қилишингизни истардим, - деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. - Орадан йиллар, асрлар ўтади, бу муҳташам ёдгорлик янги-янги авлодларимизни Низомий куйлаган ўлмас ғояларга, эзгу интилишлари муштарак икки халқни бир-бирига таянч бўлиб дўстлигини мустаҳкамлашга доимо чорлаб туради. Ишончим комилки, қардошлигимизнинг бу ёрқин тимсоли халқларимиз даҳоси яратган маданият дурдоналаридан бизларни ҳамиша баҳраманд этишга хизмат қилади.

Яна бир бор Низомий ватанидан, шеърият ва гўзаллик юртидан ташриф буюрган сиз, азиз меҳмонларимизни диёримизга, Ўзбекистонимизга хуш келибсиз, деб қутлашга рухсат бергайсиз. Ўзбек ва озарбойжон халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги янада ривожланаверсин, яна ҳам зиёда бўлсин! - деди Ислом Каримов.

Президент Илҳом Алиев озарбойжон халқининг буюк фарзанди Ўзбекистон тупроғида қадр топаётгани, эъзозланаётгани учун ўзбек халқига, ушбу хайрли ишларда бош бўлиб турган Президент Ислом Каримовга ўз мамлакати, халқи ва ҳукумати номидан самимий миннатдорлик билдирди.

Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийга ҳайкал қўйилишини маълум қилди.

Ушбу Низомий ҳайкалини ҳайкалтарош Илҳом Жабборов ишлаган, унинг меъмори - Валерий Акопжанян.

**(ЎзА)**

*Иқтисодиёт*

## БЕЖИРИМ ВА СИФАТЛИ

***Албатта устки кийимнинг қимматбаҳоси эмас, балки эгнингизга ярашгани маъқул. Унинг ярашиқлиги эса чеварларнинг изланиш ва маҳоратига боғлиқ.***

Акмал Икромов туманида фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркор Елена Асқарова харидорнинг бугунги талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб эркаклар устки кийимлари модаларини яратади. Ана шу янги бичимлар асосида тикилган кийим-кечаклар эса бозорда ўз ўрнини топмоқда.

— Ўтган йиллардаги фаолиятимиз давомида кўплаб турдаги маҳсулотларимизни харидорларга етказиб беришга муваффақ бўлдик, — дейди Елена Асқарова. — Тадбиркорларга яратилган имкониятлардан фойдаланиб маҳсулотларимизни «Чилонзор» буюм бозори ҳамда Олой, Кадишев бозорларидаги савдо нуқталарида сотамиз. Айниқса, ўтган йилларда эркаклар учун тайёрланган турли бичимдаги шим ва курткаларимиз харидорларга манзур бўлди. Шунингдек, кийим-кечакларимизга Қозоғистон, Тожикистон давлатларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Насиб этса жорий йилдан тайёр маҳсулотни четга ҳам сотишни режалаб турибмиз.

## ХОРИЖДА ҲАМ ХАРИДОРИ БОР

***Пойтахтимиздаги «Мидетекс» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган табиий бинтларига нафақат республикамизда, балки Россия Федерациясида ҳам харидорлар топилмоқда.***

Корхонада 3 йилдан буён замонавий ускуналар ёрдамида 3 турдаги бинтлар шаҳримиздаги «Кобул — Ўзбек Со» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган хом ашё ҳисобига тайёрланмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир қисми ўтган йилда буюртма асосида Россия давлатига экспорт қилинди. Аъло сифатли, жаҳон андозаларига мос маҳсулот тайёрлаётган корхона тадбиркорлари жорий йилда Жанубий Корея, Украина, Россия давлатлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида.

## ЎЗИГА ХОС БЕЗАК

***Биноларимиз атрофини жиҳозлашда қўлланиладиган безакли бетон деворлар ҳадемай шаҳримиздаги иншоотлар атрофини кўркамлаштириши турган гап.***

Негаки ўтган йилда фаолият бошлаган «Фасад-Антураж» масъулияти чекланган жамиятида Австрия технологияси асосида сертификатланган ана шундай безакли деворлар тайёрланмоқда. Маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган ушбу маҳсулот буюртмачи талабига кўра турли ҳажмда тайёрланиб, ранг берилади. Шу билан бирга корхона ишчи-хизматчилари талабига кўра деворларни ўрнатиб ҳам беришади.

— Бир кунда 100 метр сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эгамиз, — дейди корхона раҳбари Рустам Кушербаев. — Келгусида эса ойналарга ўрнатиладиган турли хил панжаралар ҳамда уйларнинг ташқи кўринишини пардозлашда қўлланиладиган безак панеллари ишлаб чиқаришни йўлга қўймиз.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

## Юртимизда Наврўз нафаси

***Жаннатмакон юртимиз баҳор чечакларининг анвойи бўйидан сархуш бўлган саодатли кунларда мамлакатимизда қадимий халқ байрами — Наврўзи олам бошланди. Ҳаволар жўнашиб, ер қизиб, лайлаклар диёримизга қайтиб келган, табиат қонуниятлари, Қуёшнинг ҳамал буржига кириши, борлиқнинг жонланиши билан баҳор байрами бошланди.***

Аждодларимиз 4 минг йилдан буён Наврўз шодиёнасини байрам сифатида нишонлаб келганлар. Не бахтки, Мустақиллик миллий байрамимизни ўзимизга қайтариб берди.

Наврўз — янги кун, янги йилнинг бошланиши. Туркий халқлар бу байрамни ҳар йили интиқлик билан кутганлар. Наврўз киришида нима қилинса, одамлар ўзини қандай тутса, дастурхонда нима бўлса, қозонида нима қайнаса, нималар туҳфа қилинса, улар йилга татийди, деган нақл бор. Тарихий манбалардан маълумки, Наврўз тонггида кишилар уч қошиқ асал ё шинни яласа, уч бўлак хушбўй мум тутса, бу кўп касалликларга шифо бўлади.

Наврўз — мўл-кўлчилик, маъмурчилик, фаровонлик, ободончилик, тинч-осойишталик, бахт-саодат тушунчаларини англатади. Шарқнинг буюк шоири Умар Ҳайём «Наврўзнома» асарида: «Ҳар киши Наврўзни байрам, шоду хуррамлик этса, келаси йил Наврўзига қадар унинг умри хурсандчилик ва шодлик билан ўтиши муқаррар», дейишида ҳам чуқур маъно бор.

Наврўзнинг бири биридан гўзал удумлари, анъаналари, ўйинлари, ақлий ва жисмоний беллашувлари бор. Улар асрлар давомида сайқаллашиб, мазмунан бойиб борган.

Баҳор ва меҳнат байрамининг пайдо бўлиши ҳақида халқ орасида турли хил афсона ва ривоятлар тарқалган.

Қадим замонларда шоҳ Жамшид ўрмонда ов қилиб юрганида, иттифоқо, бир сеҳрли илонга кўзи тушиб қолади. У ўша заҳоти камонидан ўқ чиқариб, унга қарата отади. Илон қоя тошнинг остидаги кавакка кириб, кўздан ғойиб бўлади. Ўқ тошга тегиб учқун пайдо бўлади. Учқун хас-чўп устига тушиб ўт чиқади. Одамлар шу дамгача олов нималигини билишмас экан. Шу-шу одамлар оловни муқаддас билиб, уни ўчирмасликка ҳаракат қилишибди. Жамшид оловни кашф қилган кунни эса «Янги кун» яъни, Наврўз сифатида байрам қиладиган бўлибдилар.

Бутун рўйи заминни сув босиб, тўфон бўлганида Нуҳ пайғамбар ҳар турли жонзотдан бир жуфтдан олиб, кемасида сузиб юрган экан. Бир куни атроф-жавонибда қуруқлик бор-йўқлигини билиб келиш учун қалдирғочни учириб юборибди. Бир маҳал ҳалиги қалдирғоч тумшуғида бир гиёҳни кўтариб учиб келибди. Бу шу яқин орада қуруқлик борлигини, қуш келтирган гиёҳ эса кўклам бошланганини билдирар эди. Нуҳ қалдирғоч кўрсатган томонга қараб сузиб борибди-да, сув ўртасидаги заминни кўрибди. Кемадаги барча жонзотлар ерга тушиб, тўфон азобидан қутулибдилар. Ер юзида Нуҳ қадам қўйган кунни эса одамлар «Янги кун» яъни, Наврўз деб байрам қилишга одат қилибдилар.

Қадим замонларда бир онаизор деҳқончилик қилиб, бешта фарзандини оқ ювиб, оқ тараб ўстирар экан. Бир куни у болаларини ухлатиб, бешикдаги жажжи ўғилчасини эмизиб турганида, остонада Азроил пайдо бўлиб: «Эй она, сенинг паймонанг тўлган. Фарзандларингни уйғотиб, улардан рози-ризолик тила», дебди.



**ҲАМИША ТОЛЕИНГ ФЕРУЗ БЎЛСИН!**



«Бироз сабр қилинг, гўдагимни сутга тўйдирай, ухлатиб ҳузурингизга ўзим чиқаман», дебди она. Азроил кўздан ғойиб бўлибди.

Онаизор болаларини суйиб, эркалаб, юз-кўзларидан ўпиб: «Болажонларим, мусаффо осмон отангиз, сахий ер онангиз бўлсин. Меҳр-оқибатли, иймон-эътиқодли, меҳнатсевар бўлинглар», деб дуо қилибди. Онанинг насиҳатлари ухлаб ётган болаларининг вужудларига сингиб кетибди.

Эрта тонгда биринчи бўлиб кенжа ўғил уйғонибди. Эмаклаб ҳовлига чиқибди. Майсалардан татиб кўрибди. Уларнинг барчасидан она сутининг таъми келар эмиш. Кўзга кўринмас она иси умр бўйи меҳр бўлиб болаларни парваришлабди. Одамлар гўдакка Наврўз деб исм қўйибдилар. Шундан бери Наврўз муқаддас байрам сифатида эъзозланар экан. Шундан бери мусаффо осмон, сахий ер бағри кенг деҳқонларга ҳамдам экан. Бу афсонада тасвирланган она — табиат рамзи бўлса, Наврўз — унинг дилбанди баҳордир.

Наврўз байрамида сумалак, ҳалим, кўк сомсалар пиширилиб, халққа тарқатилади. Сумалак — кўклам мўъжизаси, тансиқ таом. Сумалак пишириш турли расм-русумларга бой. Бу тўйимли ва мўъжизакор таом етти гўдакка Аллоҳ томонидан ато этилган ризқ, деган нақл бор.

Қадим замонларда Биби Фотима онамиз умрйўлдошлари узоқ сафарда бўлиб, икки ўғиллари билан ёлғиз қолган эканлар. Топган-тутганларини қишда ишлатиб, бир амаллаб кўкламга етиб олибдилар. Уйда егулик ҳеч нарсалари қолмабди. Ўзлари майлику, икки норасиданинг қоринлари очиб, нон сўраб, зор-зор йиғлашлари юракларини ўртаб юборибди. Биби Фотима ўчоқ бошига борибдилар-да:

— Болаларим, бирпасгина ўйнаб ўтиринглар, сизларга овқат пишириб бераман, — деб қозонга сув солиб, тагига ўт қалабдилар. Далага чиқиб эндигина униб чиққан майсалар, янги ниш урган ўт-ўланларни териб келиб, яхшилаб ювибдилар-да, қозонга солибдилар. Супрани қоқиб, бир кафт унни ҳам қозонга солиб қайнатибдилар. Қайнаганда овози чиқиб билиниб турсин, деб беш-олтита майда тошларни ҳам ювиб қозонга ташлаб чўмич билан айлантирибдилар. Тошларнинг шақир-шуқуридан болалар хурсанд бўлишиб, ўйинга тушиб кетишибди. Тун ярмидан оғганда болалар чарчаб ухлаб қолишибди. Биби Фотима болаларнинг оч-наҳор ухлаб қолишганини кўриб, кўз ёшлари шашқатор бўлиб, Яратганга илтижо қилибдилар: «Эй Худойим! Болаларим учун пишираётган овқатимга муборак назарингни ташла. Икки норасиданинг ризқини ўзинг етказ. Бизлардан марҳаматингни дариғ тутма». Тонгга яқин Биби Фотима ҳам толиқиб қозоннинг қопқоғини ёпиб, димлаб уйқуга кетибдилар.

Эрталаб уйғониб қарасаларки, ўттизта малоийкалар қозон атрофида ўтириб, уни кавлаётган эмиш. Яқинроқ бориб қарасалар, оппоқ либосдаги малоийкалар кўздан ғойиб бўлишибди, қозонда эса қипқизил қиём биқиллаб турган эмиш. Жимжилоқлари билан қозондаги қиёмдан ялаб кўрсалар, бирам ширин эмиш. Болаларни уйғотиб, овқатдан солиб берибдилар. Фарзандлари овқатдан тўйиб еб:

— Онажон, бу овқатингизни номи нима? — деб сўрашибди.

— Болаларим, бу ўттизта малоийканинг каромати билан пишган таом. Шунинг учун унинг номи Сумалак, — деб жавоб берган экан.

Наврўз фақат кўнгли чоғлик ва шоду хуррамликлардангина иборат байрам эмас, айни чоғда меҳнат ва дўстлик, эзгулик ва меҳр-мурувват айёми ҳамдир. Хусусан, Наврўз арафасида пойтахтимиз ва вилоятимиздаги барча маҳаллалар, меҳнат жамоалари, турли ташкилотларда умумхалқ ҳашари ўтказилди. Кўча ва ҳовлилар, майдонлар, ариқлар тозаланди. Янги ниҳоллар ўтқазилди. Гулзорлар, янги боғ-роғлар барпо этилди.

Наврўз инсонни табиат билан уйғун бўлишга, уни муҳофаза қилишга, ерни севишга, меҳнатни қадрлашга, баҳор мўъжизаларидан лаззатланишга, одамларга меҳр-оқибатли, шафқатли бўлишга даъват этади.

Наврўз бободеҳқон умид билан ерга барака уруғи қадайдиган, чўпон қўй-қўзиларини ям-яшил ўтлоқларга ёядиган саодатли, шукуҳли кун.

Азиз юртдошлар, баҳор байрами — Наврўзи олам муборак бўлсин. Ҳассос шоиримиз Огаҳий айтганларидек:

**Илоҳи, ҳар кунинг Наврўз бўлсин,**
**Ҳамиша толеинг феруз бўлсин.**

**Мирза Анвар КАРИМОВ**

## Тиббиёт

### КОМПЬЮТЕРЛИ ЭЛЕКТРОКАРДИОГРАФ

***«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмасига қарашли тиббиёт-санитария қисми бўлимлари бой моддий-техника негизларига эга. Кардиография бўлимида олиб борилаётган муолажалар ҳам энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида амалга оширилмоқда.***

Рентген аппаратлари, физиотерапевтик жиҳозлар ҳам шифокорларнинг ишончли қуролларига айланиб қолди. Электрокардиография аппарати эса юрак хасталикларини даволашда қўл келмоқда.

Шифохона яқинда бу хилдаги энг замонавий тиббий аппаратга эга бўлди. Японияда ишлаб чиқарилган компьютерли электрокардиограф қурилмаси шифохона ихтиёрига берилди. Унинг ёрдамида юрак касаллиги ташхиси жуда тезлик билан аниқланиб, муолажа олиб боришда кардиографга қулайлик туғдиради.

### БОЙ ТАЖРИБА ОММАЛАШТИРИЛДИ

***Тошкент шаҳар тиббиёт коллежи ўз фаолиятини дастлаб шошилинч тиббий ёрдам клиникаси ҳузуридаги акушеркалар мактаби негизида бошлаган эди. Бугунги кунда эса бу ерда ҳамширалик иши, даволаш иши, лаборатория иши, фармация йўналишларида малакали шифокорлар тайёрланмоқда.***

Коллежда кўп йиллик фаолият асосида бой тажрибалар орттирилди. «Болалар касалликлари» илми бўйича яратилган дидактик мажмуа эса жойларда кенг оммалашди.

«Ҳамширалик иши асослари» бўйича тайёрланган тарқатма материалларга ҳам яхши баҳо берилди. Коллеж педагогик жамоасининг бу самарали изланиши Ўзбекистон услубиёт хонаси томонидан маъқулланди. Эндиликда мазкур иш тажрибаси мамлакатимизда тиббиёт йўналишидаги ўрта махсус касб-ҳунар жараёнига жорий қилинди.

### САНОАТ ФАРМАЦИЯСИ ЙЎНАЛИШИДА

***Дори-дармонларни тиббиёт амалиётига татбиқ қилишда қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Тошкент фармацевтика институти олимларининг бу борадаги тавсиялари ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда.***

Олий ўқув юртида саноат фармацияси йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашга киришилгани нур устига аъло нур бўлди. Эндиликда битирувчи курс талабалари фармацевтика корхоналарида амалиёт машғулотларини олиб боришмоқда.

«Дори-дармон», «Ўзфармсаноат»ларга қарашли қўшма корхоналар билан тузилган шартномалар ҳам бўлажак фармацевтларнинг амалий кўникмасини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

***Акмал Икромов тумани ҳудудида илгари қурилиш моллари дўконлари мажмуаси ўрнида янги барпо этилган Халқ усталари маҳсулотлари пойтахт савдо маркази Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилди.***

# ҲУНАРМАНДЛАРИМИЗГА БАЙРАМ СОВҒАСИ

2002 йил қурилиш ишлари бошланган ушбу савдо маркази Тошкент шаҳар лойиҳалиш ва қайта қуриш институти муҳандислари лойиҳаси асосида қад кўтарди. Умумий майдони 3,4 гектар бўлган янги савдо марказидан учта йирик савдо расталари, 9,18, 36 квадрат метрли бир нечта ёпиқ ойнаванд дўконлар, 250 квадрат метр жойни эгаллаган 2 қаватли маъмурий бино, 430 квадрат метрдан ортиқ жойда барпо этилган супермаркет, овқатланиш шохобчаси, чойхона ҳамда 12 минг квадрат метрли 500 дан ортиқ автомобиллар тўхташ жойи ўрин олган.

— Қурилиш ишларига бош пудратчи «Карвонбозор» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳисобланиб, объектнинг бунёд этилишига 860 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди, — дейди Халқ усталари маҳсулотлари пойтахт савдо маркази раҳбари Амирсаид Аббосов. — Илгари бу савдо маркази қурилиш моллари дўконлари мажмуаси эди. Маълумки, азалдан халқимиз ҳунармандларни эъзозлаб келишган, уларга ўзгача ҳурматда бўлишган. Янги қурилган бу пойтахт савдо маркази айнан шаҳримизда фаолият олиб бораётган ҳунарманд усталар учун барпо этилган бўлиб, ҳозирда янги марказда 360 нафардан ортиқ ганчкор, маҳсидўз, сандиқчи, зардўз, темирчи, гиламчи, пичоқсоз ва шу каби ҳунар усталари ўз маҳсулотлари билан савдода қатнашиши мумкин.

Янги бунёд этилган пойтахт савдо марказининг асосий қулайлиги шундаки, бу ерда ҳунармандлар савдо қилиш билан бир қаторда шу ернинг ўзида ўша маҳсулот тайёрлаш устида бемалол ишлашлари ҳам мумкин. Бу ўринда харидор бевосита ўзи харид қилаётган буюмнинг ясалиш жараёни, унга кетадиган айрим майда хом ашёлар ва ҳунармандчиликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга.

Маълумки, юртимизга ҳар йили минглаб чет эллик сайёҳлар ташриф буюришади. Улар кўпроқ қадимий обидаларимиз билан бир қаторда ҳунармандчилигимизга ҳам катта қизиқиш билан қарайдилар. Шуни назарда тутган ҳолда «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан ҳамкорликда Халқ усталари маҳсулотлари пойтахт савдо марказига яқин жойлашган кўча ҳам юртимизда сайёҳлар қатнайдиган йўналишга киритилди. Ҳақиқатан ҳам бу янги барпо этилган савдо маркази ҳунармандларнинг ажойиб шаҳарчасига айлантирилган. Ўрта Осиёда ягона ҳунармандлар савдо маркази қурилишига «Фаровон-турмуш» хусусий фирмаси қурувчилари ҳамда «Карвонқурилиш» масъулияти чекланган жамиятининг қўли гул бунёдкорлари яқиндан ёрдам беришди. Савдо марказида иссиқ ҳавони мўътадил сақлаш мақсадида 4 та йирик фаввора ўрнатилган ва марказ атрофига 600 дан ортиқ мевали дарахт кўчатлари ҳам ўтқазилди. Айни пайтда бу ҳудуд савдо қилиш билан бир қаторда ажойиб дам олиш масканига ҳам айлантирилди.

**Орзугул РУСТАМОВА**

*Меҳнатинг — зийнатинг*

# ЙЎЛСОЗЛАР ҒАЙРАТ КЎРСАТИШМОҚДА

***«Тошшаҳарйўлқурилиштаъмир» трестига қарашли 2-қурилиш-таъмирлаш бошқармаси йўлсозлари ҳам пойтахтимиз чиройини очадиган равон ва текис йўллар қу[illegible]ишида ф[illegible] иштирок этишмоқда.***



— Асосий мақсадимиз шаҳримиздаги йўлларни қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш, янги жаҳон андозалари даражасидаги равон йўллар бунёд этишдир, — дейди бошқарма раҳбари Жамолиддин Ерхўжаев. — Бу борада 80 нафардан зиёд йўлсозларимиз сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Ўтган йилда Миробод туманидаги маҳаллалар кўчаларини қайта қуриш ва ободонлаштиришда фаол иштирок этиш билан бирга шаҳримиздаги долзарб қурилиш — кичик Халқа йўлининг биринчи ва иккинчи навбати бунёдкорлик ишларида анчагина юмушларни муваффақиятли уддаладик. Жорий йилда эса Тошкент Давлат педагогика университети ёнида Низомий Ганжавий майдони ва улуғ мутафаккир ҳайкалини ўрнатишга тайёрлаш ишларида бош пудратчи сифатида ғайрат кўрсатдик. Майдондаги йўл ва йўлакларни текислаш, бордюр ва плиткалар ўрнатиш, асфальтлаш юмушларини йўлсозларимиз сифатли бажаришди.

Албатта, йўл қуриш, кўприк бунёд этиш савоб ишлардан саналади. Ана шундай савоб ишларга сидқидилдан ҳисса қўшаётган бошқарма йўлсозлари зиммаларидаги вазифаларни муваффақиятли уддалашмоқда. Бу борада ҳамиша илғорлар сафида бораётган тажрибали ишчилар — Тоҳир Рустамов, Собит Расулов, Қаҳрамон Ғаффоров, Абдуқодир Ғаниевларнинг ҳиссалари каттадир.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

**СУРАТДА: бошқарма илғори — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи, ёшларнинг ғамхўр устози Собит Расулов.**

# БУНЁДКОР

*Тадбиркорлик*

# КЎЧАЛАРИМИЗ КЎРКИ, БОҒЛАРИМИЗ ФАЙЗИ

***Ҳаётимиз фаровонлашиб борар экан, ҳамиша гўзалликка, яна ҳам ободончиликка эътибор қаратаверамиз. Биргина майдону хиёбонларимиз, йўлак ҳамда биноларимиз ён-атрофи, ҳовлиларимизга нигоҳ ташлар эканмиз, уларни безаган турли-туман шакл ҳамда рангдаги бетон ғиштчалар ўзига хослик, чирой бағишлаганини сезамиз.***



Энг асосийси эса мана шундай қурилиш ашёлари ўзимизда, маҳаллий хом ашёдан тайёрланиб, сифати ва рақобатбардошлиги билан ажралиб тургани, бозор талабларига тўла жавоб бераётганидир. Бунинг асосий боиси эса мустақил диёримизда бунёдкорлик кўламининг кенгайиб, сифатли қурилиш ашёларига талаб ортганлиги, тадбиркорларимизнинг ўзларига яратилган шарт-шароитлардан, берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланаётганида, десак асло янглишмаймиз.





Сергели туманида бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркор Аъзам Мирзаулуғов ўз мақсад ва режаларини амалга оширишда ҳамиша интилиб, ташаббус билан меҳнат қилаётганлар сирасига киради. Халқимизда «Бўладиган бола бошидан маълум» деган ажойиб гап бор. Аъзам ҳам болалигидан тадбиркорлик лаёқатини намоён этди. Акаю тоғаларига қўшилиб ҳар қандай юмушни бажаришга ўрганди, ишлаб топган маблағига эса ўзига китоб-дафтарлар сотиб олиш билан бирга дўстларига, қариндош-уруғларига ҳам саховат кўрсатарди. Кўрсатилган саховат эса унга икки баравар бўлиб қайтарди. Шу боисданми, у ёшлигидан одамларга меҳрли, мурувватли бўлишга ўрганди.

Кўпчилик қатори Аъзам ҳам тадбиркорликни савдо-сотиқ билан шуғулланиб, маблағ тўплашдан бошлади. Албатта, тадбиркор учун биргина маблағ кифоя эмас. Негаки, эл-юрт равнақига ҳисса қўшаман деган тадбиркорда яхшигина ғоя, ташаббус, изланиш, билим бўлиши шартлигини у дилдан ҳис этарди. Кейинги йилларда бунёдкорлик авж олганлиги, муҳташам иморатлар, боғу хиёбонлар, йўлу кўприклар қурилиши жадаллашганлиги, албатта қурилиш ашёларига талабни бир неча бароварга оширди. Буни дилдан ҳис этган Аъзам Мирзаулуғов аввало бўш майдон сотиб олиб, шлакоблок ҳамда турли йўлак ғишт (плитка)лари ишлаб чиқаришга мослашган цех бунёд этди, маҳсулот тайёрлаш учун керакли қолиплар келтирилди, 10 нафардан зиёд йигит иш билан таъминланди.

Аввалига Эрондан келтирилган қолиплар ёрдамида маҳаллий хом ашёдан бетон ғиштчалар тайёрланган бўлса, буюртмалар сони ортгани сайин унинг турлари ҳам кўпайди. Бугунга келиб эса 3 рангдаги 12 хил ана шундай ғиштчалар (плиткалар) ишлаб чиқарилмоқда. Шубҳасиз, цехларда меҳнат қилувчилар сафи ҳам ортиб, ҳозирда 30 нафарга етди. Шунингдек, эшик ҳамда ром маҳсулотлари тайёрловчи дурадгорлик цехи ҳам иш бошлади.

— Бугунги бозор шароитида маҳсулотнинг чиройли, бежирим туридан тортиб мустаҳкамлиги, ҳажми, ранги ва албатта, нархи катта аҳамият касб этади, — дейди хусусий тадбиркор Аъзам Мирзаулуғов. — Жамоамиз аҳли эса буларнинг ҳаммасига эътибор қаратишади. Ўтган вақт ичида ўз буюртмачиларимизга эга бўлдик. Пойтахтимиздаги «Ўриксор», «Паркент», «Карвон» бозорлари, Сергели истироҳат боғи ва бошқа кўплаб иншоотларнинг бунёдкорлик ишларида маҳсулотларимиздан кенг фойдаланилганлиги бизни қувонтирди. Ўтган йилда ойига 3 минг квадрат метрдан маҳсулот тайёрлаган бўлсак, жорий йилда ушбу рақам 5 минг квадрат метрдан ҳам ортиб кетди.

Хусусий тадбиркор амалга ошираётган ҳар бир ишида туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими яқиндан ёрдам бераётганини ва ўз навбатида у ҳам ҳамиша саховат ишларига ҳисса қўшаётганини айтиб ўтди. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, у яшаётган ва меҳнат қилаётган «Эркин ҳаёт» маҳалласида Аъзамни барча танийди. Негаки у маҳалладошлари учун доимо ёрдамга шай, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлайди.

— Саховат бировнинг буйруғи ёки талаби билан қилинмайди, — дейди Аъзамжон, — уни чин дилдан адо этар эканман, ич-ичимдан суюнаман. Балки шу боисдан ҳам ишларим ривож топаётгандир. Мен фақат ўзим эмас, балки барча атрофимдагилар, юртдошларим бой бўлишини, фаровонликда яшашини истайман. Меҳр ва мурувват йилида эса кўнглимда эзгуликларим жуда кўп ва уларни албатта, амалга ошираман.

Бунёдкорликка муҳим ҳисса қўшаётган хусусий тадбиркорнинг кунлари, баъзида эса тунлари ҳам беором — чунки у доимо мақсадларини амалга ошириш йўлида изланади. У маҳалла аҳлига янада қулайликлар, қўшимча ишчи ўринлари яратиш учун тикув фабрикаси, қандолат ва нон ёпиш цехи, туман «Нуроний» жамғармаси қошида шўъба корхонаси ташкил этиш ниятида. У туманда ўтказилаётган кўплаб тадбирлар ҳомийси, маҳалла фаоли, маҳаллада истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти раиси. Буларнинг барчасига улгуриш эса анчагина билим, меҳнат ва изланиш талаб этади. Аъзам Мирзаулуғов эса ҳаммасини уддалашга эришади. Уни ўз меҳнатлари, одамларга қилаётган яхшилик ва саховатлари қўллайди. Ўз маҳсулотлари чиройини, шаҳримиз кўркамлигини оширганини кўрганда эса дили бир олам қувончга тўлади, эл-юртга янада кўпроқ нафи тегишини истаб яшайди.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: хусусий тадбиркор Аъзамжон Мирзаулуғов ёш ишчи Мансур Аҳмаджоновнинг ишларидан мамнун; дурадгор уста Сирожиддин Нуриддинов сифатли эшик ва ромлар тайёрлайди; маҳсулот турлари хилма-хиллигида ишчиларнинг хизмати каттадир.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

*Мусоҳаба*

# ЖАҲОН ТАЖРИБАЛАРИ АСОСИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари авж олиб, кўплаб муҳташам иморатлар, жаҳон андозалари даражасидаги улкан иншоотлар, замонавий турар жой бинолари, равон йўллару мустаҳкам кўприклар қад ростлади. Уларни кўрганда, албатта ушбу объектларни яратишда, қуриш ва яшнатишда куч-ғайрат, билим ҳамда маҳоратларини ишга солган лойиҳачи, меъмор, қурувчи — барча-барчасининг меҳнатлари бекиёслигига, изланишлари самарасига тан бермай иложингиз йўқ. Энг муҳими эса бунёдкорлик ишларининг асосий мақсади юртимиз чиройини янада ошириш, эл-юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилувчи иншоотлар қуриш, бунёдкорларимизнинг нималарга қодирлигини кўрсатиб, маҳоратларини намоён этиш, миллий қадриятларимиз эъзозини таъминлаш, мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларининг ўзига хослигини, кўркамлигини кўрсатишдир. Мана шу мақсадни амалга оширишда эса бунёдкор номини эъзозлаётган соҳа ходимларининг хизматлари каттадир, албатта. Бу борада бунёдкорлик соҳасининг етук мутахассисларини тайёрлаб бераётган Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоасининг алоҳида ўрни бор. Институтнинг муҳандис-қурилиш факультети декани Сарвар ТОШПЎЛАТОВ билан бугунги кунда рақобатбардош кадрлар тайёрлашда нималарга эътибор қаратилаётганлиги, етишиб чиқаётган бунёдкорларнинг салоҳияти ва уни янада оширишда биринчи галда эътибор берилиши лозим бўлган масалалар хусусида суҳбатлашдик.***

**— Сарвар Анварович, бугун кўриб турганимиздек, юртимизда бунёдкорлик ишлари ҳақиқатан авжида. Ана шу ишларни амалга оширишда эса замон талабидан келиб чиққан ҳолда изланишлар давом этмоқда. Худди шундай замонга мос, давр талабига хос кадрларни тайёрлашда факультетда қандай ишлар олиб борилмоқда?**

— Аввало, шуни таъкидлаш ўринлики, 5 та йўналиш бўйича бакалавр ҳамда 7та мутахассислик бўйича магистрлар тайёрлаймиз. Ушбу йўналишлар бўйича етишиб чиққан кадрларимиз албатта, бунёдкорлик ишлари сифати ва самарадорлигини оширишда муносиб ҳисса қўшади, деб ҳисоблаймиз. Чунки факультетимизда 9 та кафедра мавжуд бўлиб, уларда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, доцентлар таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, жаҳон тажрибаларини ўрганиш асосида янги изланишлар олиб боришмоқда. Айниқса, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаётганимиз ўз самарасини бермоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг чет эл билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш, талабаларни қурилиш соҳасидаги янгиликлар билан таништириш мақсадида факультет Интернет тармоғига уланган ва компьютерлар ўзаро тармоғи ҳосил қилинган.



Замон талабига мос кадрлар тайёрлаш учун, аввало педагоглар юксак малакали, янгиликка интилувчан, давр билан ҳамнафас бўлиши керак. Шунинг учун ҳам педагогларимиз ўз зиммаларидаги масъулиятни сезган ҳолда иш олиб боришади. Шунингдек, талабаларга дарслар, албатта соҳалари бўйича завод, корхона ва ташкилотларда, улар билан ҳамкорликда ўтказилади. Бу талабанинг ҳам назарий, ҳам амалий билимини мустаҳкамлашда катта самара бермоқда. Чунки ҳозирги замонавий асбоб-ускуналар билан дарс ўтишда бизнинг ана шундай корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз, уларнинг бизга ёрдами кадрларимиз билимини оширишда самарали усуллардан бири бўлмоқда. Мана шундай ишлаб чиқариш билан бўлган мустаҳкам алоқамиз талабаларга амалий билим беришда, яъни замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида машғулотлар ўтишда катта эътиборга моликдир.

***— Кадрлар тайёрлашда хориж билан ҳамкорлик қандай йўлга қўйилган?***

— Биргина «Қурилиш материаллари» кафедраси хусусида тўхталадиган бўлсак, 1993 йилдан эътиборан Германиядаги Баухаус университетининг Фингер номидаги қурилиш материаллари институти билан ҳамкорлик шартномалари асосида ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, малака ошириш ва талабалар амалиёти соҳаларида самарали ишлар олиб бормоқда. Кафедра институт билан ўн йиллик ҳамкорлиги даврида Германия фондларининг 24 та грантларига сазовор бўлди. Ҳамкорликдаги илмий-тадқиқот ишлари полимер ва минерал боғловчиларнинг янги турларини яратиш, архитектура обидалари қурилиш материалларининг бузилиши сабабларини чуқур таҳлил этиш, анъанавий материалларга мос келадиган замонавий таъмирлаш материалларини яратиш соҳасида олиб борилиб, илмий изланишлар натижалари ҳамкорликдаги мақола ва монографияларда ўз аксини топмоқда. «Инженерлик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш» кафедраси 2000 йилдан бошлаб Исроилнинг Технион политехника институти билан грант асосида илмий ишлар олиб бормоқда. Бу ишнинг асосий мақсади атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Бунда Исроилдан олиб келинган янги ускуналар жуда қўл келмоқда. Шунингдек, бинолар коммуникацияси бўйича яна бир ҳамкор — Австриянинг «Герц-Арматурн» фирмаси билан ҳам иш олиб бориб, уларнинг пойтахтимиздаги «Термаком» ваколатхонаси билан ҳамкорлик кенг йўлга қўйилган. Бошқа кафедраларда[illegible]ги ҳамкорликлар ҳам таълим сифатини [illegible]иришга, тайёрла[illegible]наётган мутахассисларнинг замон талабларига жавоб беришига йўналтирилган.

***— Ўзбекистонда 2010 йилгача бўлган даврда олий техника таълимини такомиллаштириш концепциясига қандай таклифлар киритиш мумкин деб ҳисоблайсиз? Бу кадрлар тайёрлашда қандай самара беради?***



— Техника олий таълим муассасаларида лаборатория ўқув базаларини мустаҳкамлаш малакали кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун республика ҳудудидаги корхона ва ташкилотларга олиб келинган янги техника, асбоб-ускуналар шу соҳа бўйича мутахассислар тайёрловчи олий таълим муассасаларига биринчи навбатда берилиши керак, деб ўйлайман. Бундан ташқари «Ўзэкспомарказ»га хориждан намойиш қилиш учун келтирилган ҳар бир янги техника ва технологиялар соҳа вазирликлари томонидан ёки давлат бюджети ҳисобидан сотиб олиниб, ана шу соҳа учун мутахассис тайёрловчи олий таълим муассасаларига етказилса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Шундай қилинганда «Ўзбекистон Республикасида олий таълим концепцияси»да айтилганидек, ишлаб чиқаришга жорий қилинаётган янги техника, ускуна ва технологиялар синаб кўрилади, баҳоланади ва улардан фойдаланиш учун тайёрланган мутахассисларнинг малакаси етук бўлади.

Олий таълим муассасасида дарс бериш учун жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар, етакчи мутахассислар ишлаб чиқаришда камида 5 йил ишлаган бўлишлари ва даврий илмий техника журналларида илмий мақолалар чиқарган бўлишлари керак. Дарс бераётган ҳар бир ўқитувчи эса 5 йилда 3 ойдан — 1 йилгача ишлаб чиқаришдаги муаммоларни ўрганиш учун корхона ва ташкилотларга ишлаб келишга юбориб турилиши зарур. Ана шунда кадрлар ҳам давр билан ҳамнафас, юксак малакали бўлиб етишади.

***— Факультетда ёшлар маънавиятини юксалтиришга эътибор қандай?***

— Маънавияти юксак, маърифатга интилувчи ўғил-қизларимиз юртимиз эртаси, келажагимиз яратувчиларидир. Шу боисдан ҳам факультетимизда таълим олаётган ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни юртга меҳр-садоқат, миллий қадриятларимизга муҳаббат, шарқона урф-одатларимизни эъзозлаш руҳида тарбиялаш масъулияти зиммамизда. Бунда ҳафтада бир маротаба ўтказиладиган мулоқот соатлари, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш борасида «Фалсафа, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси кафедраси» ходимлари томонидан ўтказилаётган учрашувлар, буюк аждодларимиз ҳаёти ва ибратли мерослари хусусидаги тадбирлар катта самара бермоқда. Пойтахтимиздаги музейлар, санъат ва адабиёт кошоналари, тарихий-меъморий ёдгорлик иншоотларига саёҳатлар, ойда бир маротаба ўтказиладиган маънавият кунлари — буларнинг барчаси ёшларимиз маънавиятини юксалтиришга йўналтирилган. Талабаларимиз хайрия тадбирларида ҳам фаол иштирок этишади. Оталиғимиздаги 98-мактаб-интернат ўқувчиларидан ёрдамимизни аямаймиз. Жорий Меҳр ва мурувват йилида эса бу борада ўзига хос режаларимиз бор, албатта. Бу билан ўғил-қизларимиз дилида меҳр-оқибат туйғуларини уйғотишга интиламиз. Зеро меҳр-оқибат энг юксак қадриятдир.

**— Албатта, бугунги талаба — эртага соҳа мутахассиси. Факультетда сабоқ олаётган, шунингдек бугунги кунда бунёдкорлик ишларида фаоллик кўрсатаётган собиқ талабалар ҳақида ҳам тўхталсангиз...**

— Шубҳасиз, жамоамиз ходимларини янгиликка, изланишга, ўз устиларида тинмай ишлашга ундовчи мана шу талабалар, азиз фарзандларимиз. Айни пайтда 436 нафар талаба билим олмоқда ва жорий йилда уларнинг 108 таси қўлига бакалаврлик дипломини топширамиз. Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, талабаларимиз институтда ҳамиша ўз ўринларига эга бўлишга интилишади. Факультет бўйича 36 нафар талаба «Талабалар илмий жамияти»га аъзо, 1 нафар талабамиз Беруний номидаги стипендия соҳиби. Республика олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаган талабаларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Факультет профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида 8 нафар аспирант илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Собиқ талабаларимиз — бугунги бунёдкорлар хусусида тўхталадиган бўлсак, бир сўз билан айтганда, уларнинг салоҳиятини мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида яққол кўриш мумкин. Мамлакатимизни яшнатиш, обод этиш, жаҳоннинг энг гўзал масканларидан бирига айлантириш йўлида ёниб, қалб даъвати, янгиланиш иштиёқи билан меҳнат қилаётганлар орасида бизнинг собиқ талабаларимиз — етук кадрларимиз жуда кўп ва биз уларнинг ютуқлари билан ҳамиша фахрланамиз. Бунёдкорлик шундай бир ажойиб касбки, унинг завқи бўлакча, машаққатлари ҳам серзавқ. Чунки ана шу заҳматли меҳнатнинг маҳсули — улкан иншоотлар кўз ўнгингизда намоён бўлади, йиллаб, асрлаб яшайди. Мана шундай фахрли ишга ҳисса қўшаётган кадрларимизнинг капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ривожида муносиб ўрни борлиги жамоамиз аҳлини доимо изланишларга ундамоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА суҳбатлашди**

**СУРАТЛАРДА: педагог ва талабалар фаолиятидан лавҳалар.**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Яхши устоз яхши шогирдлар етиштиради.

● Ўз шогирдларида меҳнатдан завқланиш хислатларини уйғота билган устоз шарафларга лойиқ.

● Устоз шогирдни ҳаётга тайёрламоғи учун, аввало ўзи ҳаётни чуқур билмоғи лозим.

● Ўз устозининг ҳурматини жойига қўймаган шогирд илмдан ҳеч қачон фойда кўрмайди.

● Шогирднинг ўз муаллими олдидаги одоблари шундан иборатки, у ўз муаллими олдида жим ўтиради, кўп гапирмайди, устоздан изн бўлмагунча ҳеч бир масала ҳақида сўрамайди. Устознинг гапларини бўлмайди, тортишмайди. Унинг олдида бошқа кишилар билан суҳбатлашиб, кулишиб ўтирмайди. Устоз унга қараб гапираётганда ҳар томонга кўз ташламай устозниннг кўзига қараб туради. Устозда чарчаш аломатлари зоҳир бўлса, ўқиш ва гапиришни тўхтатади, ўрнидан турса бирга туради. Уйга етмагунча йўлда саволга тутмайди. Устоз бирор иш қилганда ёқимсизроқ туюлса, эътиқодини ёмон қилмайди. Чунки устоз кўп нарсани билади. Эҳтимол шогирднинг ақли етмаган нарсани қилгандир.

Байт:

**Ҳақ йўлида ким сенга**
**бир ҳарф**
**ўқитмиш ранж ила,**
**Айламак бўлмас адо**
**онинг ҳақин юз**
**ганж ила.**

● Халқнинг муҳаббатини молу дунёингиз билан эмас, балки, одоб, хушмуомалангиз билан жалб эта оласиз.

● Биров сенга ишониб бирор нарсани омонат қўйса унинг молига хиёнат қилма.

● Бошқалар ёнида бировга айбларини айтиб насиҳат қилиш — уни одамлар олдида уялтириш демакдир. Шунинг учун ҳоли жойда насиҳат қилиш керак.

Ҳикоят: донишмандлардан бири ўғлини тиқиштириб овқат ейишини таъқиқлади. Ўғли айтди:

— Эй отажон, очлик одамни ўлдиради, тўқ бўлиб ўлиш очлик ҳолда яшашдан яхшироқ эмасми?

Отаси айтди:

— Эй ўғлим, ўртача овқат ейишга одат қил. Тиқиштириб овқат ейиш беш қўлни оғизга тиққан очкўздан фарқ қилмайди. Очкўз кишини ҳар қадамда ҳалокат кутади. Е, ич, аммо исроф қилма. Шу насиҳатга амал қилсанг умринг узун бўлади.

Байт:

**Бу пандимни эшит,**
**фарзанди содиқ,**
**Билиб иш қил**
**насиҳатга мувофиқ.**
**Сенга ким ишониб**
**топшириб қўйса омонат,**
**Эсанг доно унга**
**қилма хиёнат.**

● Кибр ва ғурурдан узоқ бўл. Кибр кишини эл орасида хор, беқадру беэътибор қилади.

● Донолар айтадилар:

— Қуйидаги тўрт нарса тўрт нохушликни келтириб чиқаради. Худбинлик расволикни, серғазаблик пушаймонликни, такаббурлик душманликни, ношукрлик хорликни.

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

# «СИЗНИ ОПАЖОН ДЕСАМ МАЙЛИМИ?»

***Мен уни тасодифан учратиб қолдим. Хаёлчан, оҳиста одим ташларди. Шундоққина ёнидан ўтиб кетганимни ҳам сезмай қолди ҳатто. Сўлғин нигоҳида қандайдир ташвиш яширинган эди. Бир кўнглим индамай кетавермоқчи ҳам бўлдим. Лекин бир неча йиллардан бери кўрмаган синфдошимни шу аҳволда қолдириб кетишни ўзимга эп билмадим. Уни тўхтатдим. Муҳаррам ғалати жилмайиш билан қўл узатди. Кўришдик.***

«Ҳа, тинчликми», деган саволимга у савол билан жавоб берди.

— Менга айтингчи, инсоннинг яшаўдан мақсади нима?

Савол тўсатдан берилгани учун бироз чайналиб қолдим.

— Инсоннинг қалбида яхшиликдан нишон бўлмаса унинг ҳайвондан нима фарқи бор?

Муҳаррам тўлиб турган экан шекилли савол устига савол ёғдирди.

— Биласиз, ўзим шифокорман. 20 йилдан бери жарроҳ бўлиб ишлайман. Ўтган йиллар ичида қанча-қанча беморлар билан учрашдим, суҳбатлашдим. Жарроҳлик столи устида ётган ночор кишиларни ҳаётга қайтариш учун ўлим билан олишдим. Ҳаётимда содир бўлган ҳар қандай қийинчиликларни сабот ва матонат билан енгдим. Лекин мана бу хатга келганда чидаёлмадим. Ўксиб йиғладим. Биласизми...

У гапиролмай қолди. Кўзларидан дув ёш тўкди. Мен ноқулай аҳволда эдим. Шу алпозда у сумкасидан бир хат олиб қўлимга тутқазди. Беихтиёр йўл четидаги ўтирғичга бориб ўтирди. Кўзим сатрлар устида йўрғалаб кетди.

«Ҳурматли Муҳаррам опа! Ёзаётган ушбу мактубим балки сизга ғайри табиий туюлар. Балки мактубимни ўқиб мазмунини чақиб ўтиришга вақтингиз ҳам йўқдир. Ишингиз бошингиздан ошиб-тошиб ётганини биламан. Фикр-хаёлингиз беморлар дардига даво излаш билан бандлиги ҳам менга аён. Лекин на илож. Мен ҳам инсонман. Юрак сирларимни кимгадир очгим келади. Ўйлаб-ўйлаб сизни ўзимга яқин тутдим. Бутун дардларимни сизга баён қилишга аҳд қилдим. Ахир сиз шифокорсиз. Инсон қалбини бошқалардан кўра яхшироқ тушунасиз, опажон.

Сизни опажон деб атадим. Кўнглингизга оғир ботса кечирасиз албатта. Бундан икки йил муқаддам мен қаттиқ бетоб бўлиб қолганимда дадам мени сиз ишлаётган шифохонага олиб борган эдилар. Шунда сиз бизни худди эски қадрдонлардек кутиб олдингиз. Дардимга малҳам бўлдингиз. Бироқ кўзларим ёруғ дунёни кўришдан бенасиблигини билганингизда менга юракдан ачиниб узоқ жим қолганингиз эсимда. Сизга миннатдорчилик билдириб олдингиздан чиқаётганимизда: «Албатта яхши бўлиб кетасан қизим», дея меҳр билан мени қучоқлаб бағрингизга босганингиз ҳали ҳам хаёлимдан нари кетмайди.

Сиз билмайсиз. Ўшанда мен йиғлаганман. Ўксиб-ўксиб йиғлаганман. Лекин сизга билинтирмаганман. Ҳўнграб кўнглингизни бузишни истамаганман. Билмайман, эсимни таниб ўз онамни қучоқлаб ўпмаганим, унинг бағрида эркаланишдан бенасиб бўлганим учунми, сизнинг ўша иссиқ оғушингизни, қалб ҳароратингизни сира-сира унутолмайман. Агар билсангиз менинг дардимга ёзиб берган дорингиз эмас, ўша сизнинг бир онийлик меҳрингиз даво бўлган.

Мен онадан «тирик» етим қолганман. Она меҳрига қонмаганим учун бўлса керак ўша бир дақиқалик иссиқ оғушингиз мени шунчалар сизга боғлаб қўйдики, ўшандан бери сизни ўйлайман. Яна бир бор кўрсам дейман. Ишонинг, гарчи кўзларим ожиз бўлса ҳам, сизнинг илиқ табассумли чеҳрангизни кўришдан бенасиб бўлсам ҳам лекин бўй-бастингиз, юз-кўзларингизни аниқ тасаввур қила олгандим ўша вақтда. Шундан бери қани энди моҳир рассом бўла қолсаму сизнинг ўша қиёфангизни катта қилиб чизсам деб орзу қиламан. Баъзан онамни ҳам сиз билан таққослайман. Унинг ҳам портретини чизгим келади. Унинг қаҳрли туриши, заҳарли қарашларини катта полотнода рўйрост баён этсам дейман. Кейин ўша портретни иложини топиб унга туҳфа этсам зора ўз аксини кўриб бироз бўлса ҳам инсофга келса деб ўйланаман.

Опажон, бу тентак қиз нега ўз туққан онасини менга ёмонлаб ёзяпти, деб ранжиманг. Балки бундай қилишга ҳаққим ҳам йўқдир. Лекин нима қилай, ёзишга мажбурман. Чунки онам оиласидан, мендек фарзандидан бутунлай кечиб кетган. Ахир гўдак бўлиб ҳамма қатори онам бағрида эркаланмаган бўлсам қандай қилиб уни яхшилай. Кўзим ожиз туғилганим учун у мени туғруқхонадаёқ ташлаб кетган эди. Мендек ожиз қизчани фарзандим дейишдан ор қилган экан. Яхшиямки бахтимга дадам бор экан. У киши менга она ўрнида она бўлдилар. Айтишларича, ҳатто туғруқхонадан ҳам ўзлари йўргаклаб олиб чиққан эканлар.

Қани энди айтингчи, шундай онадан ранжимай бўладими? Ахир мен қандай гуноҳ қилибманки, онам мендан бутунлай кечиб кетса. Кўзим ожизлиги гуноҳми? Менга қолса шундай бўлсин дебмидим. Бошқа болалар сингари онамнинг эрка фарзанди бўлишни хоҳламасмидим. Мана сиз ҳам онасиз. Фарзандларингиз бордир албатта. Уларни кўз қорачиғидек авайлаб катта қилаётгандирсиз. Ўғил-қизингизни бир кун кўрмасангиз соғиниб қоласиз. Наҳот ўн йилдан бери мени онам соғинмаса? Ахир қўнғиз ҳам ўз боласини оппоғим, типратикон юмшоғим дейди-ку.

Сиз бутунлай бошқа одамсиз. Онам эса ўзга бир олам. Сиз қайноқ меҳрингиз, шифобахш қўлларингиз билан одамларга бахт улашиб, уларга умр берасиз. Онам эса инсон бахтига зомин бўлиб, умрига эгов бўляпти. Сизнинг кўзларингизда нур порлайди. Унинг кўзларида эса ранж ва алам ҳукмрон. Ҳа, мен онамни бахт ва умр ўғриси деб атадим. Агар шундай бўлмаганда у дадажонимнинг бахтини ўғирлармиди? Агар шундай бўлмаганда ғунча умридек қисқа бўлган меҳрибоним дадажонимнинг умрига зомин бўлармиди?

Ўша ҳаётимнинг энг даҳшатли кунида эрталаб у эшикдан кириб келди. Дадам ишга шошиларди. Минг қилса ҳам она экан. Бувим бечора бутунлай гина-кудуратларни унутиб унинг истиқболига югурди.

—Вой, келинг келинпошша, бўйларингизга тасаддуқ. Эсон-омон юрибсизми? Ҳой, Қодиржон тез чиқ. Мавлудахон келдилар, — дерди бувим айланиб-ўргилиб.

—Уйдамилар бойвачча. Айни муддао бўлибди. Ўзлари билан гаплашмоқчи бўлиб келувдим.

Мен онамни дарҳол танидим. Унинг исмидан, совуқ гапларидан сездим. Ўлай агар ўшанда бироз эсанкираб туриб қолдим. Худди онам ҳозир келиб бирдан мени бағрига босадигандек туюлди. Бироқ бундай бўлмади. Афсус у бундай қилмади. Бувимнинг: «Мавлудахон, ҳеч бўлмаса қизингиз билан кўришинг, Ахир соғингандирсиз», деган сўзларига лом-мим ҳам демади.

Биласизми, у ўша куни нега келган экан? Никоҳ куни дадамга совға қилган узугини қайтариб олиш учун келибди. Қаранг опажон. Бизни ташлаб кетганига ўн йил ўтса ҳамки, афсус у ўз боласини соғиниб эмас, балки арзимас узук илинжида бу ерга келибди. Яна ким билан келибди денг, бизга бутунлай ёт бўлган бегона бир эркакни бошлаб келибди. Дунёда шунчалар беандиша, мол-дунё учун ҳар қандай номуссизликдан тоймайдиган одамлар ҳам бўларкан-да опажон. Ўшанда мен дадам ҳозир ойимни ҳам, унинг ҳамроҳини ҳам тутиб олиб тоза урсалар керак, деб ўйлагандим. Лекин дадам ундай қилмадилар.

— Оиламга бахтсизлик келтирган бундай узукдан кўпдан бери ҳазар қилиб юрардим. Афсуски эгасини тополмасдим, — дедилару, узукни ойимнинг башарасига отиб юбордилар. Мен буни онамнинг овозидан сездим.

— Вой, вой, кўргина бўлгур. Нега отасан. Нима қизингнинг кўрлиги камлик қилаётганмиди сенга.

Вой, тавба бу сўз бувим билан менга бир хил таъсир қилди шекилли, баравар ўкириб юбордик. Дадам чидаб туролмадилар. Қўлларига тушган нарсани олиб ойимга улоқтирдилар. У айюҳаннос солиб кўчага қочди.

Онам шу куни узукни олиб кетди. Афсус кейин билсам у биргина узукни эмас, дадажонимнинг жонини ҳам олиб кетган экан. Дадамлар онам кетгач анчагача ўзларига келмай куйманиб юрдилар. Гўё ўртадаги жимликни бузиб қўйишдан қўрққандек бувим ҳам, мен ҳам чурқ этмасдик. Кейин дадам менга яқинлашдилар. Оёқ товушларидан буни сезиб турибман. Чўккалаб аста мени қучоқладиларда сочларимдан узоқ силаб турдилар. «Хафа бўлма қизим. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади», дея мени юпатган бўлдилар-да, ўзларини тутолмай бирдан ҳўнграб юбордилар. Вой, опажон кап-катта киши йиғласа ғалати бўларкан. Чидаб туролмай мен ҳам, бувим ҳам уларга қўшилиб аччиқ кўз ёш қилдик. Мен туфайли дадажонимга шунчалар озор етганига ачиндим. Шу куни дунёга келганимга жуда-жуда пушаймон бўлдим. Бу кунимдан кўра ёшлигимда ўлиб кета қолсам бўлмасмиди, дея дадамнинг бўйниларидан маҳкам қучоқлайману, тинимсиз кўкка нола қиламан.

Ойимнинг машмашаси билан дадам ишдан кеч қолдилар. Ўзларига келгач шошилиб чиқиб кетдилар. Асли пешонам шўр экан, агар шундай бўлмаса биргина қувончим ва меҳрибоним адажонимдан ҳам айрилиб қолармидим. Дадам шошилиб бораётганларида у кишини кўчада машина уриб юборди. Шундан кейин бувим ҳам кўрпа-тўшак қилиб ётиб олдилар. Яхшиям атрофимда яхши одамлар бор экан. Улар ёрдамида меҳрибонлик уйига жойлашдим. Мактабга бордим. Ҳозир учинчи синфда ўқияпман. Аълочиман. Лекин бир нарса мени ҳамон қийнаб келади. Наҳот кўзим бутунлай очилмаса. Дадам ҳаётлигида ҳамиша: «Қизим, кўзинг албатта очилади. Шифокорлар айтишган. Сал каттароқ бўлганингда операция қилишармиш», дегувчи эдилар. Бу сўзлар ҳар доим менга умид бағишларди. Афсус энди дадажоним йўқ. Кимга дардимни айтишга ҳайронман. Ўйлаб, ўйлаб бу хақда сизга ёзишга мажбур бўлдим. Мактубим сизни ранжитиб дилингизга озор берган бўлса кечирасиз опажон.

Садоқатли синглингиз Барнохон».

— Мана энди ҳаммасига тушунгандирсиз, — деди Муҳаррам қўлимдан аста хатни оларкан. — Шу мактубни ўн яшар қизча ёзганига ишонмайсан киши. Лекин бориб кўргач, у билан суҳбатлашгач хатни ўша қиз ёзганига бутунлай ишонч ҳосил қилдим. «Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб», деган нақл бежиз айтилмаганку. Қизча мана шу ёзилган воқеаларнинг бевосита иштирокчиси бўлган. Мактуб эса ана шу ўй-фикрлар йиғиндисидан бунёдга келган.

Муҳаррам шу топда Барнохон тарбияланаётган меҳрибонлик уйидан қайтаётган экан. У эрталаб қизчани қидириб у ерга борибди. Барнохонни сўраб-суриштирибди.

—Кўп ўтмай олдимга кўҳликкина бир қизчани олиб келишди. Билдимки Барнохон шу, — деб ҳикоясини давом эттирди Муҳаррам. — Унга узоқ термулиб қолдим. Биров кўрса ҳавас қиладиган шундай қизалоқни ташлаб кетган ўша онага лаънат ўқидим. — Барнохон, — дедим тўлқинланиб. Мен келдим. Кўзи ожиз бўлса ҳам у мени дарров таниди. Сесканиб ғалати бўлиб кетди. Уни хижолатдан чиқариш учун индамайгина бағримга босдим. Барнохон шуни кутиб турган экан шекилли, бирдан ҳўнграб бўйнимга чирмашдию, «Опажон», дея юз-кўзларимдан ўпа кетди. Шу аҳволда қанча турдик билмайман. Ўзимизга келгач, Барнохон қўлимдан етаклаб ўзининг тарбиячилари ва дугоналари билан таништирди. Тарбиячилар орасида турган нуроний бир онахон қўлтиғимдан тутиб бир четга бошлади.

— Яхши келибсиз ўргилай. Шундай қилмасангиз қиз бечора баттар ўксиб қоларди. У ҳеч сизни оғзидан қўймайди. Менинг дўхтир опам бор, дейди. Мен уларга хат ёзаман. Мана кўрасизлар албатта кўзимнинг очилишига ёрдам берадилар, дейди. Ҳойнаҳой Барнохоннинг хатини олиб ўқиб, кейин келган бўлсангиз керак.

Мен ҳа ишорасини қилдим.

— Нима қилайлик бола экан. Тарбиячиларини қўярда-қўймай уларга айтиб туриб мана шу хатни ёздирибди. Бетоб бўлганида бир марта олдингизга борган экан. Зийрак қизда бир кўришдаёқ исми-фамилиянгизни, иш жойингизни билиб олганини қаранг.

Узоқ суҳбатдан сўнг тарбиячилар ва болалар билан хайрлашдик. Кетишимни билиб Барнохон мунғайиб қолди. Чидаб туролмадим. Қизни қаттиқ бағримга босдим. Унга ёрдам беришимни, қўлимдан келган хизматни аямаслигимни айтдим. Эртага келиб уни ўзим билан бирга олиб кетишимни тушунтирдим. Дастлаб уни профессор Комиловнинг олдига олиб бормоқчиман. Олдин домланинг сўзларини олай. Шунга қараб иш тутаман. Кейин тарбиячилар билан гаплашиб Барнохонни ўзимга қиз қилиб олмоқчиман. Унга оналик қилмоқчиман. Учта болам тўртта бўлса яхшида. Ахир мурувватли инсонлар тўрт-бешталаб болаларни ўз тарбиясига олиб уларга ота-оналик меҳрини беришаётганда чин дилдан менга ихлос қўйган битта болага оналик қилсам нима қилибди.

Муҳаррамнинг юракдан айтган бу сўзлари менга ҳам таъсир кучини кўрсатди шекилли кўзларимга ёш келди.

Шу алпозда Муҳаррам билан хайрлашдик. Йўлда кетиб боряпману, кўз олдимда унинг қиёфаси. Кейин яна бир киши — Барнохоннинг онаси ҳам гўё қуюқ туман орасида қолиб кетгандек элас-элас хаёлимда жонланади. Икки аёл — икки олам. Бири ҳаётидан мамнун. Бутун билимини, кучини инсонларга бағишлаш билан бирга, керак бўлган тақдирда улардан меҳрини ҳам дариғ тутмайди. Иккинчиси эса... Келинг яхшиси бу ҳақдаги гапни газетхонлар ҳукмига топширайлик.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

*Бу — қизиқ*

## ШОЛИ — АСОСИЙ МАСАЛЛИҚ

***Маълумки, Африка ва Жанубий Африкада яшовчи халқлар истеъмол қиладиган асосий дон маккажўхори ҳисобланган. Шимолий Америка ва Европа қитъаларида асосий масаллиқ бу буғдойдир. Энди жаҳон аҳолисининг ярмидан кўпи истиқомат қиладиган улкан Осиё учун эса, асосий дон шоли ҳисобланади. Ёввойи шолининг ватани ҳам шу қитъадир.***

Ибтидоий деҳқончилик бошланган даврлардан то ҳанузгача селекцияга киритилавериб шолининг 1500 дан ортиқ нави яратилган. Ўрта Осиёда экиладиган шоли поясининг баландлиги шароитга қараб 70-80 сантиметрга боради, лекин шундай шолилар ҳам борки, бир ярим метрдан то беш метргача боради. Чунончи, адирларга ва тоғ террассаларига экиладиган «осмоний» деб номланган ва буғдой каби ёмғир суви билан таъминланиб етиштириладиган шолининг бўйи худди қамишдай — бир ярим, икки метр келади. «Сузувчи» деб номланувчи нави дарё ва кўл қирғоқларига экилади, пояси худди канопдай узун, сувда «сузиб» ўсадиган шолининг пояси беш метр узунликда ва жуда серҳосилдир. Бундай шолилар Вьетнам, Кампучия, Таиланд, Бирма, Ява, Индонезия, Филиппин каби мамлакатларда ўсади.

Шоли тарихи ва экологияси билан шуғулланувчи олимларнинг маълумотларига қараганда, санскрит тилида гуруч «дананга» деб аталиб, маъноси инсон озуқасининг асоси, дегани бўлар экан. Таиландчасига «теда» сўзи ҳам «шоли», ҳам «шолипоя» — шоли экиладиган дала маъноларини ифода этар экан. Чунки Осиё мамлакатлари учун гуруч ҳаёт манбаидир. Бу «Масалликдан неча хил таом тайёрланади?» — деган саволга япониялик пазандалардан бири: «Бу чексиз кўп, ҳозирча 10 минг хилини ҳисобга олдим» — деб жавоб қилади.

*Ҳамкорлик самараси*

# ОЗОДАЛИК ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

***Дунёда йирик шаҳарлар учун хос бўлган умумий муаммолар мавжуд. Жамоат транспортининг қатнови, уй-жой қурилиши, канализация тармоқлари - катта рўйхатнинг кичик бир қисми, холос. Улар орасида озодаликни таъминлаш алоҳида ўрин тутади.***

Тошкент ҳамма вақт озода, чиройли шаҳар сифатида таъриф этилган. Лекин 90-йиллар ўрталарига келиб, пойтахтда қатор муаммолар йиғилиб қолди. Шаҳарнинг санитар тозалаш тизимини ислоҳ қилиш масаласи ўша пайтда айниқса долзарблашганди.

Қарийб 2,5 миллион аҳоли истиқомат қилувчи Тошкентда тозалик муаммоси ҳал этилмаса, қандай оқибатлар келтиришини яхши англаган Ўзбекистон ҳукумати пойтахтнинг санитар тозалаш тизимини такомиллаштириш мақсадида дунёнинг йирик молиявий ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатди. Қисқа вақт ичида Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида умумий ҳажми 56,3 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳа ишлаб чиқилди. У Тошкент шаҳридан чиқаётган қаттиқ чиқиндиларни йиғиш ва зарарсизлантириш тизимини такомиллаштиришни назарда тутади.

— Ҳозирга келиб, — дейди лойиҳани амалга ошириш гуруҳи раҳбари Ғафур Рустамов, — ишларнинг етмиш фоизи бажариб бўлинди. Ўтган вақт давомида Тошкент шаҳридан чиқаётган қаттиқ чиқиндиларни йиғиш учун 13,5 минг контейнер, ташиш учун 176 та юк машинаси, турли хил экскаваторлар, бульдозерлар сотиб олинди. Бундан ташқари, лойиҳа доирасида харид қилинган техника воситаларининг аксарияти Корея Республикасида ишлаб чиқарилгани боис анчагина мутахассис хорижда малака ошириб қайтди.

Шунингдек, Тошкент шаҳри ҳудудида етти юздан ортиқ қўриқланмайдиган, тўрт юзга яқин қўриқланадиган чиқинди йиғиш майдони ташкил этилди. Яккасарой ҳамда Ҳамза туманларида иккита чиқиндини қайта юклаш станцияси фаолият юритмоқда. Улар йилига 200 минг тонна чиқиндини Оҳангарон шаҳри ёнидаги махсус майдонга олиб бориш учун катта машиналарга қайта юклаш имкониятига эга. Айни пайтда яна икки туманда мана шундай қайта юклаш станциялари қуриляпти.

Мазкур станцияларга келган одам бир қарашда бу ерда чиқинди қайта юкланишига ишонмайди. Ҳаммаёқ озода, саранжом-саришта. Узоқда кўриниб турган самолёт ангарига ўхшаган жойга бирин-кетин яшил рангли юк машиналари кириб-чиқиб турибди.

— Станциямиз тўлиқ компьютерлаштирилгани боис, бу ердаги жараённи кузатиб туриш атиги 6 кишининг зиммасига юкланган. Ваҳоланки, бу ерда кунига минг тонна чиқинди қабул қилинади ва Оҳангарондаги махсус майдонга олиб борилиб, кўмиб ташланади, — дейди корхонанинг станциядан фойдаланиш бўйича раҳбари Шорасул Муродов. — Бу станциялар, биринчидан, Тошкент шаҳридаги чиқинди йиғиш машиналарининг (520 дан ортиқ автомобиль) «умрини» узайтиради. Энг муҳими бу станциялар ишга туширилгач, вилоятнинг Зангиота ва Тошкент туманларидаги чиқинди ташлаш майдонларига эҳтиёж қолмади. Натижада пойтахтдаги санитария ва экологик вазият анча яхшиланди.

Аслида чиқинди йиғиш ва қайта ишлаш дунёнинг турли мамлакатларида мўмайгина даромад келтирадиган бизнесга айланиб улгурган. Жаҳон банки ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳа Ўзбекистонда ҳам шаҳар озодалигини таъминлашга аҳолини фаолроқ жалб қилиш, секин-аста бўлса-да, бу жараёндан моддий фойда олиш имконини бермоқда.

— Илгарилари аҳолини чиқиндини махсус жойларга ташлашга даъват қилиш, кези келганда эса турли мажбурий чоралар кўришга тўғри келар эди, — дейди Яккасарой туманидаги қўриқланадиган чиқинди ташлаш майдончасининг ижарачиси Сергей Амельченко. — Лекин ҳозир кўпчилик иложи борича камроқ чиқинди ташлашга ҳаракат қилади. Негаки, пойтахтда эски буюмлар сотиб олинадиган махсус жойлар очилган. Биз майдончани ижарага олганимиздан буён келаётган чиқиндидан қоғоз, пахта маҳсулотлари, елим шишаларни ажратиб олиб, ана шундай жойларга топширамиз. Фойдаси ёмонмас.

Ҳақиқатан ҳам, 1996-1997 йилларда Тошкентдан йилига 1миллион тоннага яқин чиқинди йиғилар эди. Лекин яқиндан буён бу кўрсаткич 700-800 минг тоннагача тушди. Бунинг сабаби, аввало, аҳолининг чиқиндини бекордан бекор ташлаб юбормасликка ҳаракат қилиши бўлса, бошқа тарафдан ана шу чиқиндидан даромад олиш имконияти пайдо бўлганидир.

Қўриқланадиган чиқинди йиғиш майдончалари ташкил этилганидан буён мингдан ортиқ киши иш билан таъминланди. Уларни ижарага олган одамлар (баъзида бутун бошли оилалар) эса у ердаги контейнерлар, майдончаларнинг тозалиги, чиқиндиларнинг сараланиши учун масъул. Бундай масъулият уларга дурустгина фойда ҳам келтирмоқда. Бошқача айтганда, пойтахтимизда озодалик учун ҳаракат бизнеснинг янги турига айланиб бўлди.

**Даврон ИСМАТОВ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


## «ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ» супермаркет ОАСИЧЖнинг 2004 йил 1 январига бўлган баланс ва молиявий ҳисоботи

### 2004 йилнинг 1 январига бўлган баланс (минг сўм)

| | | |
|---|---|---|
| АКТИВ | | |
| 1 | Асосий маблағларнинг қолдиқ қиймати | 569752 |
| 2 | Номоддий активнинг қолдиқ қиймати | 5497 |
| 3 | Узоқ муддатли сармоялар | 2 702 |
| 4 | Ишлаб чиқариш заҳиралари | 42826 |
| 5 | Қайта сотиладиган товарлар | 612674 |
| 6 | Пул маблағлари | 82843 |
| 7 | Бошқа активлар | 50683 |
| | ЖАМИ | 1366977 |
| ПАССИВ | | |
| 1 | Низом фонди | 110560 |
| 2 | Қўшилган капитал | 14589 |
| 3 | Резерв капитали | 483244 |
| 4 | Тақсимланмаган фойда | 309753 |
| 5 | Мақсадли тушум ва фондлар | ---- |
| 6 | Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар | 5000 |
| 7 | Бошқа пассивлар | 443831 |
| | ЖАМИ | 1366977 |

### 2004 йилнинг 1 январига бўлган молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (минг сўм)

| | | |
|---|---|---|
| 1 | Сотилган товарлар ва кўрсатилган хизмат бўйича тушум | 4768524 |
| 2 | ҚҚС (қўшилган қиймат солиғи) | 11336 |
| 3 | Сотишдан олинган соф тушум | 4757188 |
| 4 | Ишлаб чиқариш таннархи | 3793956 |
| 5 | Ялпи даромадлар | 980442 |
| 6 | Шу даврдаги харажатлар | 699760 |
| 7 | Умумхўжалик фаолиятнинг молиявий натижаси | 280682 |
| 8 | Фойда (даромад) солиғи | 97485 |
| 9 | Бошқа солиқлар | 132811 |
| 10 | Ҳисобот давридаги соф фойда | 50386 |

**Молиявий натижаларнинг тўғрилиги «Andrey Audit» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 24 сентябрдаги АФ№ 00215 сонли рухсатномаси)**

УС № 001917, УС № 001915, УС № 001913 серияли Улгуржи савдо ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномалари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

*Серверлар, шахсий компьютерлар, бутловчи қисмлар ва пластик карточкалар тизими учун махсус қурилмаларни импорт шаклида етказиб бериш бўйича*

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

*Тендерда иштирок этиш учун аризалар 2004 йил, 31 март соат 16-00 гача қабул қилинади.*

*Қўшимча саволлар билан Ахборотлаштириш бош бошқармасининг бош мутахассиси Олег Александрович Митрошинга мурожаат қилишингиз мумкин.*

**Телефонлар: 137-59-35, 137-59-36, факс: 135-20-90**
**E-mail: oleg@central.nbu.com**
**www.nbu.com**

*Спорт*

## САРАЛАШ УЧРАШУВИГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК

***Футбол бўйича 2006 йили Германияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнири қизғин паллага кирмоқда. Жумладан, бошқа гуруҳдаги жамоалар қатори 31 март куни мамлакатимиз терма жамоаси Хитой Тайпей командасига қарши тўп суради.***

Бош мураббий Равшан Ҳайдаров, ўз маслаҳатчиси — германиялик мутахассис Юрген Гёде билан ҳамкорликда жиддий учрашув олдидан сўнгги ўқув-машқ йиғинини ўтказмоқда. Ушбу йиғинда И.Нестеров, Г.Забиров, Б.Ашурматов, А.Алиқулов, А.Николаев, А.Фёдоров, Х.Каримов, М.Усмонов, Л.Кошелев, Т.Копадзе, Р.Байрамов, С.Жепаров, А.Солиев, З.Тожиев, М.Бикмаев, В.Шишелов, А.Гейнрих, Э.Магдиев ва Б.Қораев каби футболчилар иштирок этади.

## ГИМНАСТИКАЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

***Шаҳримизда спорт гимнастикаси бўйича мамлакат Кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.***

Эркаклар ўртасида спорт усталари иштирокидаги баҳсларда кўпкурашда ва алоҳида анжомларда ўтказилган мусобақаларда Антон Фокин зафар қучди.

Спорт усталигига номзодлар ўртасида кўпкураш бўйича Эдуард Шаулов, Арсен Габрилян ва Отабек Машариповлар эса алоҳида анжомларда ғалаба нашидасини суришди.

Аёллар ўртасида Александра Гордеева кўпкурашда Ўзбекистон Кубоги соҳиби бўлган бўлса, алоҳида снарядларда омад Феруза Хўжаева, Татьяна Гайфуллина, Нозигул Алматовага кулиб боқди.

## ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — ҒОЛИБ

***Бухоро шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан ташриф буюрган стол тенниси усталари иштирокида мазкур спорт тури бўйича Ўзбекистон Кубоги беллашувлари бўлиб ўтди.***

Қизлар ўртасида тошкентлик теннисчиларга тенг келадиганлар топилмади. Умумжамоа ҳисобида ҳамшаҳарларимиз пойтахт вилояти вакилларини ортда қолдирган ҳолда ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Эркаклар ўртасида эса Тошкент вилояти кичик ракетка усталари ғолиб чиқишди.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Бугун — Бутунжаҳон Силга қарши кураш куни*

# САЛОМАТЛИГИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

***Сил юқумли касаллик бўлиб, у кўпроқ ўпкани зарарлантиради, бундан ташқари бу касаллик буйракда, суякларда, плевра пардаларида, жинсий аъзоларда ва мия пардасида ҳам учраши мумкин. Касаллик кўпроқ бир аъзони зарарлантириши, баъзида эса бир нечта аъзога тарқалган бўлиши мумкин.***

Касаллик соғлом одамга бемордан ёки шу касаллик билан зарарланган ҳайвонлардан ҳаво орқали, бемор акса урганда, йўталганда, гапирганда юқиши мумкин. Бундан ташқари бемор ишлатган буюмлардан фойдаланилганда ҳам касаллик юқиши мумкин. Ўпка сили билан касалланган бемор агар бактерия тарқатувчи бўлса, йилига 10-12 та соғлом одамга сил касаллигини юқтириши эҳтимоли бор. Сил касаллигига кўпроқ гиёвандлар, ичкиликбозлар, ҳомиладор аёллар, болалар, сурункали касалликлардан сурункали бронхит, ошқозон яраси ва 12 бармоқли ичак яраси касаллиги, қандли диабет билан касалланган беморлар, турли касалликлар бўйича гормон ичадиганлар кўпроқ мойил бўладилар.

Балғам билан йўтал ёки қисқа-қисқа қуруқ йўтал, ҳолсизлик, силла қуриши, озиб кетиш, кечалари терлаш, иситма кўтарилиши, кўкрак қафасида оғриқ, иштаҳа пастлиги, қон туфлаш ёки ўпкадан қон кетиши сил касаллигининг асосий белгилари ҳисобланади. Касалликнинг илк белгилари пайдо бўлган вақтда шифокорга мурожаат қилиниб, даволаш ўз вақтида бошлаб юборилса, унинг самарадорлиги шунчалик юқори бўлади.

Сил касаллиги шубҳа қилинган беморлар флюорографик ёки рентгенологик текширувдан ўтишлари керак. Ўпка сили шубҳа қилинаётган тақдирда бемор балғами бактериоскопик усулда сил таёқчаларига текширилади. Агар беморда сил касаллиги аниқланса, касалликнинг илк даврида махсус дорилар билан даволаш сил шифохоналарида олиб борилиши керак. Чунки ушбу касаллик билан оғриган беморларнинг оила аъзолари ҳам хавф остида бўладилар. Бундан ташқари силга қарши махсус дориларни бемор шифокор назоратида бошлагани маъқул, натижада махсус дориларнинг салбий таъсирининг олди олиниб, даволаш олиб борилади.

Даво курси шифохонадан бемор чиқарилгандан кейин амбулатор шароитида турар жой бўйича диспансер назоратида давом эттирилади ва у камида 6 ойдан 9 ойгача давом этади. Касалликни даволаш курси тўлиқ ўтилиши катта аҳамиятга эга, чунки даво бошлангандан бироз вақт ўтгач микробактериялар сони одатда камая боради ва бу туфайли бошқаларга касалликни юқтириш хавфи ҳам пасая боради. Одатда даво тўғри олиб борилса, бир неча ҳафтадан кейин бемор ўзини яхши ҳис қила бошлайди, ана шу вақтда бемор шифокор кўрсатмаларига мувофиқ дориларни қабул қилишни тўхтатмасдан, давом эттириши лозим бўлади. Чунки ўпкадаги жараён секинлик билан сўрила бошлайди ва бошқа микробларга нисбатан сил бактериялари ўта яшовчанлиги билан фарқ қилади. Агар бемор силни даволаш жараёнини тўхтатиб қўйса ёки дориларнинг оғирлигини инобатга олмай нотўғри қабул қилинса, сил бактериялари дориларга турғун бўлиб қолиб, натижада бу беморни даволаш учун кўпроқ вақт ва ҳаракат керак бўлади.

Сил касаллигидан буткул тузалишда гигиена қоидаларига риоя қилиш, вақтида дам олиб, дори-дармонларни пайтида қабул қилиш, овқатни оз-оздан, тез-тез истеъмол қилиб туриш керак. Шуни эсда тутиш лозимки, агар сизда ёки қариндошларингиз, ўртоқларингизда юқорида санаб ўтилган сил касаллиги белгилари пайдо бўлса, тезда шифокорга мурожаат қилиш зарур. Ўпка касали буткул тузаладиган хасталик ва ундан шифо топиш кўпроқ ўзингизга боғлиқ. Касаллик эрта аниқланиб, ўз вақтида тегишли даво бошланиб, ушбу жараён тўғри олиб борилса, бу дардан буткул фориғ бўласиз, натижада оилангизга, фарзандларингизга, қариндошлар ва дўстларингизга сил касаллиги юқишини ва хасталик уларда ривожланишининг олдини олган бўласиз.

**Шоиба САИДОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги сил ва ўпка касалликлари илмий текшириш институтининг II-даволаш бўлими мудири, тиббиёт фанлари доктори.**

*Мушоҳада*

# ДАВР ТАЛАБИ

***Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни соғломлаштира бориб уни ўз ҳолатида сақлаб туриш инсоният олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Чунки табиатнинг бебаҳо манбаларидан палапартиш фойдаланиш, унга нисбатан қўпол, ваҳшийларча муносабатда бўлиш ер куррасида экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келаётганлиги ва натижада кутилмаган турли офатлар келиб чиқаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан оқилона фойдаланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилишининг боиси ҳам ана шунда.***

Бизда 1999-2005-йилларга мўлжалланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилган. Шу режада биринчи кўзда тутилган нарса мамлакат аҳолисига соғлом муҳит яратишдан иборат. Иккинчидан эса, табиатдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва табиий ресурсларнинг озайиши натижасида етказилаётган иқтисодий зарарни камайтириш, учинчидан, Ўзбекистон табиатининг энг нозик ва қимматбаҳо манбаларини, айниқса унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш. Кўрилаётган чора-тадбирлар боис ҳозирги кунда кишиларимиз онгида, тафаккурида атроф-муҳитга ижобий муносабат тобора шаклланиб боряпти. Уларнинг экологик дунёқараши тубдан ўзгаряпти.

Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳам бу борада муайян ишларни амалга оширмоқда. Қўмита ўз иш режасида халқ таълими тизими, олий ва ўрта махсус таълим, «Экосан» халқаро жамғармасининг шаҳар бўлими, мавжуд корхона, ташкилот ва муассасалар, 474 тадан ортиқ ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлмиш маҳалла қўмиталари ва бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида ахборот воситалари ёрдамида тушунтириш ишларини кенг йўлга қўймоқда. Хусусан, экологик маънавиятни янада такомиллаштириш борасида турли мавзуларда тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ташкил этилди, газета ва журналларда чиқишлар қилинди.

«Экосан» халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишлаб ҳар йили Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Оила ва экология — болалар нигоҳида», «Табиат — чекмасин азият» каби намунали тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, ўтган олти ой давомида атмосферага зарарли чиқиндиларнинг чиқиши олдинги олти ойликка нисбатан 297,1 тоннага камайган. Тоза сув сарфи 161 минг куб метрга етди. Бу юмушларни бажаришда шаҳардаги кўпгина ишлаб чиқариш корхоналари муносиб улуш қўшдилар. Улар ўз зиммаларига юклатилган вазифага виждонан ёндошиб, белгиланган режаларни вақтида бажаришга эришдилар. Шунингдек, шаҳримизда кўп километрлик узунликдаги янги автомобиль йўллари қурилиб, фойдаланишга топширилиши ҳам атмосфера ҳавосини имкон қадар тозалашга шароит яратди.

Лекин шу билан бирга транспорт воситалари кўпайиб бораётганлиги натижасида шаҳар транспортлари атмосфера ҳавосини ифлослантирадиган асосий манба бўлиб қолаётганлигини ҳам айтиш мумкин. Шуни ҳисобга олиб, шаҳримизда «Тоза ҳаво» тадбирини бир йилда икки марта— баҳор ва куз мавсумида ўтказилиши йўлга қўйилган. Тадбирлар давомида йиғилган барча натижалар атрофлича таҳлил қилинмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунларига зид иш тутаётган автотранспорт ходимларининг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий ва интизомий чоралар кўрилмоқда.

2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб аталишининг ўзи ҳам ҳар томонлама атроф-муҳитни соғломлаштиришга ундайди. Бунинг учун халқимизнинг, айниқса ёшларимизнинг экологик маънавияти савиясини янада юқори поғонага кўтариш давр талаби эканлигини унутмаслигимиз керак.

**Нилуфар МУСАЕВА,**
**Тошкент молия институти талабаси,**

*Футбол*

## ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ УЧРАШДИ

**ЎТГАН КУНИ «Локомотив» — «Трактор» жамоалари ўртасида ўтказилган учрашув билан мамлакат XIII миллий чемпионати тўртинчи тур баҳслари якунига етди.**

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, ушбу мавсумни пойтахтнинг янги жамоаси анча муваффақиятли бошлаган, тракторчилар эса икки мағлубият ва бир ғалаба билан турнир жадвалининг қуйироқ поғонасидан жой эгаллаган эди. Очиғини айтганда, ғалаба ҳар икки жамоа учун зарур эди. Кўпчилик «Локомотив»нинг ғалаба қозонишига шубҳа қилмаётган эди. Бироқ...

Учрашувни ҳужумкор, тезкор ҳаракатлар билан бошлаган мезбонлар ҳужумчиси Идиатуллин 20-дақиқада ҳисобни очиб жамоасини олдинга олиб чиққан бўлса-да, тракторчилар ўйин жиловини ўз қўлларига олишга муваффақ бўлишди. Аввалига меҳмонлар футболчиси Соломин 32-дақиқада дарвозани аниқ нишонга олиб орадаги фарқни йўққа чиқарган бўлса, 40-дақиқада Мўминжонов, 76-дақиқада Ҳасанов томонидан ҳужумларнинг самарали якунланиши «Трактор»га 3:1 ҳисобидаги ғалабани туҳфа этди. Ва Абрамов шогирдлари турнир жадвалида 6 очко билан олтинчи ўринга кўтарилиб олишди.

Навбатдаги 5-тур баҳслари 10 апрелда бўлиб ўтади.

**Анвар ЙЎЛЧИЕВ**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
5252 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-407. 1 3456